Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 10 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 9, НОМЕР 10

LOOK TO THE PAST

VOLUME 9, ISSUE 10

ТОШКЕНТ-2026

ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ | LOOK TO THE PAST
№10 (2026) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2026-10

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик, Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc), Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марксовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc), Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc) Шаҳрисабз далат педагогика институти

Ғоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Қарши давлат техника университети

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор Қарши давлат университети

Маҳкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc), Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc), Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Андижон давлат университети

Рашидов Ойбек Расулович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор, Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc), Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc), Доғистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогока университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ | РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ | EDITORIAL TEAM:

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент, Азербайджон давлат иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Гулистон давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент, Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Наманган давлат университети

Хакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор, Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор, Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Жиззах давлат педагогика университети

Юсупов Ахмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доценти Urganch davlat universiteti

Тиллахжаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат техника университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари доктори (DSc), доцент, Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робиддинович
тарих фанлари номзоди, доцент, Наманган давлат университети

Тўхтабаев Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доценти Ўзбекистон Миллий университети

Хасанова Нодира Ибрагимовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доценти, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Jizzax davlat pedagogika universiteti

Абдуносирова Озодахон Ботиржон қизи
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Фарғона давлат университети

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Миллий университети

Page Maker | Верстка | Са ,ифаловчи: Xurshid Mirzaxmedov

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Laziz Alimardonov
YOSHLARNING AXBOROT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA MA’NAVIY TEXNOLOGIYALARNI TAKOMILLASHTIRISHNING USTUVOR YO‘NALISHLARI……5

2. Doniyor Jumaniyozov
XIV–XV ASRLARDA XORAZMNING SAVDO TIZIMIDAGI O‘RNI: SHAHARLAR, KARVON YO‘LLARI VA NUMIZMATIK MANBALAR TAHLILI……11

3. Nilufar Djurayeva
O‘ZBEKISTONDA SOVET DAVRI VA MUSTAQILLIK YILLARIDA XOTIN-QIZLARNING IJTIMOIY FAOLLASHUVIGA DOIR DAVLAT SIYOSATI: TARIXIY EVOLYUTSIYA VA QIYOSIY TAHLIL……17

4. Baxtiyor Mirkomilov
BADIIY QADRIYATLAR – MILLIY BOYLIK VA JAHON DURDONALARI SIFATIDA……30

5. Murod Raxmatov
AHMAD ZAKI VALIDIY TO‘G‘ONNING XORIJDAGI ILMIY FAOLIYATI……39

6. Nilufar Raxmatova
GLOBALLASHUV JARAYONIDA YOSHLARNI MILLIY G‘OYA, MA’NAVIYAT VA TARIXIY MEROS AN’ANASIDA TARBIYALASH TAMOYILLARI……46

7. Raxmatjon Saotboyev
XVIII–XX ASR BOSHLARIDA MARKAZIY OSIYO XONLIKLARINING SIYOSIY - BOSHQARUV TIZIMI VA TASHQI SIYOSIY OMILLAR TA’SIRIDAGI O‘ZGARISHLAR…53

8. Ikromjon Umarov
XX ASR BIRINCHI CHORAGIDA SURXON-SHEROBOD VOHASIDA SUG‘ORISH INSHOOTLARI VA SUVDAN FOYDALANISHNING AN’ANAVIY SHAKLLARI……..58

9. Ra’no Xatamova
O‘ZBEKISTONDA XIX-XXI ASR GILAMDO‘ZLIK TARIXINING MANBASHUNOSLIGI…65

10. Raxim Xudoyberdiyev
TERMIZ VA CHAG‘ONIYON HUDUDLARIDA SIRLANGAN KERAMIKANING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHI……70

11. Муродилла Ҳайдаров
ОКТЯБР ТЎНТАРИШИ: БОЛЬШЕВИКЛАРНИНГ СОЦИАЛ ТАЖРИБАСИ ВА ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧЛАР НИСБАТИ……76

12. Озоджон Қувондиқов
ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ЎРТАСИДАГИ ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КОНРАД АДЕНАУЭР ЖАМҒАРМАСИНИНГ ЎРНИ……85

JOURNAL OF LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz

Озоджон Қувондиқов,
Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро
муносабатлар ва хориждаги ватандошлар
масалалари бўйича қўмитаси
ахборот хизмати раҳбари, мустақил изланувчи
e-mail: ozodquvondiqov010406@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ЎРТАСИДАГИ ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КОНРАД АДЕНАУЭР ЖАМҒАРМАСИНИНГ ЎРНИ

For citation: Ozodjon Kuvandikov. THE ROLE OF THE KONRAD ADENAUER FOUNDATION IN THE DEVELOPMENT OF PUBLIC DIPLOMACY BETWEEN UZBEKISTAN AND GERMANY. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 10.

http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.23674317

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатларда халқ дипломатиясининг ўрни “Конрад Аденауэр” жамғармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Халқ дипломатияси маркази ўртасидаги ҳамкорлик мисолида таҳлил қилинади. 2019–2026 йилларда амалга оширилган илмий-амалий анжуманлар, учрашувлар ва ёшларга қаратилган ташаббусларнинг мазмун-моҳияти, институционал хусусиятлари ва амалий натижалари ўрганилган. Таҳлил асосида “давлат–ННТ–халқаро фонд” ҳамкорлик модели, кўп йўналишли дипломатия механизмлари ва натижага йўналтирилган баҳолаш тизимини такомиллаштириш зарурати асослаб берилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Германия, халқ дипломатияси, Конрад Аденауэр жамғармаси, фуқаролик жамияти, ННТ, кўп йўналишли дипломатия, ёшлар дипломатияси, цивилизацияларо мулоқот, диний бағрикенглик.

Озоджон Кувандиков,
Руководитель информационной службы Комитета
по межнациональным отношениям и связям с соотечественниками
за рубежом Республики Узбекистан, самостоятельный соискатель
e-mail: ozodquvondiqov010406@gmail.com

РОЛЬ ФОНДА КОНРАДА АДЕНАУЭРА В РАЗВИТИИ НАРОДНОЙ ДИПЛОМАТИИ МЕЖДУ УЗБЕКИСТАНОМ И ГЕРМАНИЕЙ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется роль народной дипломатии в отношениях между Узбекистаном и Германией на примере сотрудничества Регионального представительства

Фонда Конрада Аденауэра в Центральной Азии и Центра народной дипломатии Шанхайской организации сотрудничества в Узбекистане. Рассматриваются содержание, институциональные особенности и практические результаты научно-практических конференций, встреч и молодежных инициатив, реализованных в 2019–2026 годах. На основе анализа обоснованы эффективность модели сотрудничества «государство–ННО–международный фонд», значение механизмов многоуровневой дипломатии, а также необходимость совершенствования системы оценки, ориентированной на конкретные результаты.

Ключевые слова: Узбекистан, Германия, народная дипломатия, Фонд Конрада Аденауэра, гражданское общество, ННО, многоуровневая дипломатия, молодежная дипломатия, межцивилизационный диалог, религиозная толерантность.

Ozodjon Kuvandikov,
Head of the Information Service of the Committee
on Interethnic Relations and Friendly Ties with Foreign Compatriots
of the Republic of Uzbekistan, Independent Researcher
e-mail: ozodquvondiqov010406@gmail.com

THE ROLE OF THE KONRAD ADENAUER FOUNDATION IN THE DEVELOPMENT OF PUBLIC DIPLOMACY BETWEEN UZBEKISTAN AND GERMANY

ABSTRACT

The article analyzes the role of public diplomacy in relations between Uzbekistan and Germany through the example of cooperation between the Konrad Adenauer Foundation's Regional Office for Central Asia and the SCO Center for Public Diplomacy in Uzbekistan. It examines the content, institutional features, and practical outcomes of academic and practical conferences, meetings, and youth-oriented initiatives implemented between 2019 and 2026. Based on the analysis, the article substantiates the effectiveness of the "state–NGO–international foundation" cooperation model, the significance of multi-track diplomacy mechanisms, and the need to improve outcome-based evaluation systems.

Index Terms: Uzbekistan, Germany, public diplomacy, Konrad Adenauer Foundation, civil society, NGO, multi-track diplomacy, youth diplomacy, intercivilizational dialogue, religious tolerance.

Долзарблиги:

Замонавий халқаро муносабатларда давлатлараро расмий дипломатия билан бир қаторда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ташкилотлар, илмий ва эксперт доиралар, ёшлар ҳамда жамоат бирлашмаларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳамкорликда "Конрад Аденауэр" жамғармаси иштирокида шаклланган мулоқот платформалари халқ дипломатиясининг амалий механизмларини ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланади. Айниқса, миллатлараро ва динлараро тотувлик, цивилизацияларо мулоқот, ёшлар дипломатияси ва фуқаролик жамияти институтларини халқаро ҳамкорликка жалб этишга қаратилган ташаббусларнинг натижадорлигини илмий таҳлил қилиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқотда тарихийлик ва холислик тамойиллари, тизимли ва институционал таҳлил, қиёсий таҳлил, контент-таҳлил ҳамда умумлаштириш усулларидан фойдаланилди. Манба базасини "Конрад Аденауэр" жамғармаси ва Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Халқ дипломатияси маркази ҳамкорлигида ўтказилган тадбирлар ҳақидаги расмий ахборотлар, конференция ва учрашув материаллари, шунингдек халқ дипломатиясига оид концептуал ёндашувлар ташкил этди. Мавзу бўйича мавжуд материалларда алоҳида тадбирлар ва ҳамкорлик йўналишлари ёритилган бўлса-да, 2019–2026 йиллардаги амалий

ташаббусларни ягона институционал модел ва натижадорлик нуқтаи назаридан тизимли таҳлил қилиш зарурати сақланиб қолмоқда.

Тадқиқот натижалари:

Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ўзаро тенглик, ҳурмат тамойилларига асосланиб, манфаатларни инобатга олган ҳолда, изчил ривожланиш суръатини намоён этмоқда.

Бу борада “Конрад Аденауэр” жамғармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат тузилмалари ва жамоат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, парламентлараро муносабатлар, ёшлар дипломатияси, таълим ва илм-фан, туризм ва спорт каби соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Конрад Аденауэр жамғармаси Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Халқ дипломатияси маркази билан 2019 йилдан бери ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзаро ҳамкорликда “Халқ дипломатияси: миллий манфаатларни илгари суриш учун стратегик манба" мавзусида давра суҳбати (2019 йил 28 ноябрь), Цивилизациялар мулоқоти: глобаллашув даврида ўзаро келишув ва анъанавий қадриятларни асраб-авайлаш” мавзусида илмий- амалий семинар (2020 йил 21 январь), “Цивилизацияларараро мулоқот - халқ дипломатияси ривожининг муҳим омили” мавзусида илмий-амалий семинар (2022 йил 11 апрель), “Динлар ва маданиятларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигида, тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашда таълим ва диний маърифатнинг ўрни” мавзусида халқаро конференция (2022 йил 9 ноябрь) ва “Халқ дипломатияси: Марказий Осиё ҳудудида тинчлик, дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили” мавзусида минтақавий конференция (2023 йил 14 апрель), “Халқ дипломатияси ва диний бағрикенглик миллатлараро мулоқотнинг самарали воситаси: Янги Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида халқаро конференция (2024 йил 22 август) ўтказилган[1].

2022 йилда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат тузилмалари ва жамоат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиёдаги вакили Ронни Хайнега Марказнинг “Халқ дипломати” кўкрак нишони топширилган[2].

“Конрад Аденауэр” жамғармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда халқ дипломатиясига оид ўтказилган тадбирлар рўйхати

	Тадбир номи	Қачон ўтказилган	Мазмуни
1.	Цивилизацияларараро мулоқот - халқ дипломатиясининг муҳим омили[3]	2022-04-12	Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан кўп томонлама дипломатиясида цивилизацияларараро мулоқотни ривожлантириш, Ўзбекистон манфаатлари учун қулай маданий-гуманитар соҳаларни аниқлаш ва истиқболларни белгилаш, мамлакат ва хорижда турли миллатларнинг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, халқ дипломатияси соҳасидаги ҳамкорлик доирасини кенгайтириш. Унда 100 га яқин олимлар, соҳа экспертлари иштирок этган.
2.	Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғарма раиси, профессор Норберт Ламмертнинг	2022-30-08	Жамғарманинг Марказий Осиёдаги фаолияти ҳамда Ўзбекистондаги, минтақадаги ислоҳотлар жараёни билан танишиш

	Ўзбекистонга ташрифи[4]		
3.	“Динлар ва маданиятларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигида ҳамда тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашда таълим ва диний маърифатнинг ўрни” мавзусида халқаро конференция[5]	2022-11-09	Анжуманда Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан кўп томонлама дипломатиясида цивилизацияларараро мулоқотни ривожлантириш, миллатларараро тотувлик, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ёшлар онгига ушбу эзгу ғояларни сингдириш масалалари муҳокама қилинди. Унда 100 га яқин олимлар, соҳа экспертлари иштирок этган.
4.	Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё минтақавий дастурининг раҳбари Андре Альгермиссен билан учрашув[6]	2024-02-15	
5.	Конрад Аденауэр жамғармасининг эксперти билан учрашув[7]	2024-06-03	Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси лойиҳаларини баҳолаш, юртимиздаги нодавлат сектори ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг жамғарма билан ҳамкорлиги мақсадли кўрсаткичларини аниқлаш ва бу ҳамкорликнинг янада манфаатли бўлишини таъминлаш бўйича фикр-мулоҳазаларни ўрганишдан иборат.
6.	“Халқ дипломатияси ва диний бағрикенглик миллатларараро мулоқотнинг самарали воситаси: Янги Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида халқаро конференция[8]	2024-08-22	Мазкур анжуман Хитой ва Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ва БМТ Бош ассамблеяси жорий йилнинг 7 июнь куни бир овоздан маъқуллаган «Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот куни» резолюцияси ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилди. Унда 150 га яқин олимлар, соҳа экспертлари иштирок этган.
7.	Конрад Аденауэр жамғармасининг Шарқий ва Марказий Осиё ҳамда Тинч океани минтақаси бўйича бўлими референти Макс Дукштайн билан учрашув[9]	2024-10-11	Конрад Аденауэр жамғармаси ижобий қиёфасини юртимизда оммалаштириш, шунингдек Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар, эришилган натижаларни Германияда тарғиб этиш ҳамда Жамғарма билан юртимизнинг турли нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларини белгилашдан иборат.
8.	“Тинчлик – дунё динларининг муҳим	2025-01-20	Тадбир дунё динларидаги тинчлик, ҳамжиҳатлик ва ижтимоий барқарорликни

	тамойили” илмий-амалий конференцияси[10]		таъминлашга қаратилган асосий тамойилларни таҳлил қилиш, турли дин ва маданиятлар ўртасида ўзаро мулоқотни мустаҳкамлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш, Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган одилона диний бағрикенглик сиёсати, бу борадаги халқаро ташаббуслар моҳиятини хорижий ва маҳаллий жамоатчиликка етказиш. Унда 100 га яқин олимлар, соҳа экспертлари иштирок этган.
9.	“Халқ дипломатияси амалда: ёш авлод учун имкониятлар ва истиқболлар” мавзусида халқаро ёшлар конференцияси[11]	2025-10-14	ёшлар иштирокида халқ дипломатиясини ривожлантиришнинг янги йўналишлари ва амалий воситаларини муҳокама қилиш, таълим, инновациялар, экологик ва ижтимоий лойиҳалар, рақамли коммуникациялар, шунингдек, халқаро мулоқотни ривожлантиришда аёллар ва парламент аъзолари ўрнини кенгайтиришга қаратилган аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш. Унда 100 дан олимлар, соҳа экспертлари иштирок этган.
10.	“Халқ дипломатияси келажаги: миллий ва халқаро тажрибада устоз-шогирд анъаналари” мавзусида очиқ мулоқот ташкил этилди[12]	2026-01-14	1-шўъба. “Устоз-шогирд анъаналарида ахлоқий, маънавий ва маданий қадриятлар”, 2-шўъба. “Халқ дипломатиясида устоз-шогирд анъаналари: жаҳон тажрибаси”, 3-шўъба. “Устоз-шогирд анъаналарида педагогика ва психологик ёндашувнинг ўрни” мавзусига бағишланди. Унда 100 га яқин олимлар, соҳа экспертлари иштирок этган.

Мазкур тадбирлар ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни, миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлаш, цивилизациялараро мулоқотни кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари ўртасида дўстона ҳамкорлик муҳитини шакллантириш, ёшлар дипломатияси, таълим, маданият, спорт, туризм, биродарлашган шаҳарлар орқали халқ дипломатияси институтларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалаларини муҳокамасига бағишланган[13].

2022-2026 йиллар давомида “Конрад Аденауэр” жамғармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар Ўзбекистонда халқ дипломатиясини институционал, маънавий ва амалий жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилди. Ушбу тадбирлар мазмуни давлатлараро расмий муносабатлар билан чекланиб қолмасдан, жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари, илмий доиралар, ёшлар ва диний-маърифий субъектларни фаол жалб этишга қаратилди.

Жадвалда келтирилган тадбирлар мазмунини умумий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар халқ дипломатиясининг уч асосий концептуал вазифасини қамраб олган:

1. Ишонч ва ўзаро англашувни шакллантириш. Цивилизациялараро мулоқот, диний бағрикенглик, тинчлик ғоялари орқали маданий ва маънавий умумийликни намоён этишга хизмат қилди.

2. Жамоатчилик субъектларини фаоллаштириш. Яъни ННТлар, экспертлар, ёшлар, фуқаролик жамияти институтлари иштирокини таъминлади. Бу орқали эса халқ дипломатиясининг давлат → жамоатчилик, жамоатчилик → жамоатчилик формати амалда

қолланилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Илмий нуқтаи назардан тадбирларда “Multi-track diplomacy” фаол ишлаган[14].

3. Миллий қадриятлар ва умуминсоний тамойилларни трансляция қилиш. Диний бағрикенглик, устоз-шогирд анъаналари, маънавий барқарорлик каби норматив қадриятлар халқаро жамоатчиликка етказилди. Бу халқ дипломатиясининг маънавий-идеологик таъсир механизми ҳисобланади.

Шунингдек ҳамкорлик алоқаларини институционал таҳлили шуни кўрсатадики “Давлат-ННТ-халқаро фонд” модели самарали ташкил этилган. Жамғарма билан ҳамкорлик натижасида давлат идоралари, фуқаролик жамияти, хорижий экспертлар ўртасида гибрид дипломатия модели шаклланди. Бу модел расмий дипломатияни алмаштирмайди, балки уни жамоатчилик орқали қўллаб-қувватлайди. Халқ дипломатиясида бундай модель энг барқарор шакл сифатида эътироф этилади.

Тадбирларни натижадорлигини таҳлил қиладиган бўлсак, улар халқаро имижни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни тинчликпарвар, бағрикенг, мулоқотга очиқ давлат сифатида намоён қилганини кўриш мумкин. Бу халқ дипломатиясининг ташқи аудиторияга қаратилган натижаси. Ички жамоатчиликни жалб этиш орқали Ёшлар, ННТлар, олимлар иштироки таъминлангани халқ дипломатияси элиталарга хос эмас, балки кенг жамоатчилик иштирокидаги жараён экани намоён этилди. Ёшлар ва фуқаролик жамияти институтларининг халқаро мулоқотдаги иштироки кенгайди. Узоқ муддатли ҳамкорлик ва доимий мулоқот платформаларига асос солинди.

Шу билан бирга, таҳлил натижасида қуйидаги қилиниши зарур бўлган жиҳатларга ҳам тўхталиб ўтиш жоиз:

- тадбирлар самарадорлигини баҳоловчи аниқ индикаторлар (KPI) етарли даражада ишлаб чиқилмаган;
- тадбир натижаларини илмий мақола, институционал ҳужжатлар, концепциялар ёки йўл хариталарига айлантириш амалиёти чекланган;
- оммавий ахборот воситалари ва рақамли платформалар орқали таъсирни ўлчаш механизми тизимли йўлга қўйилмаган.

Мазкур тадбирлар халқ дипломатиясининг сифат босқичини таъминлаган бўлсада, аммо натижага йўналтирилган (outcome-based) моделни кучайтириш талаб этилади.

“Конрад Аденауэр” жамғармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар халқ дипломатиясининг концептуал, институционал ва амалий механизмларини комплекс тарзда **қўлланилиши**га хизмат қилди. Ушбу тадбирлар расмий дипломатияни тўлдирувчи самарали жамоатчилик дипломатияси платформаси сифатида Ўзбекистоннинг халқаро имижини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Жамғарма Марказнинг “Халқ дипломатияси мактаби: Тошкент мулоқоти” лойиҳасига катта қизиқиш билдиради. Бундай лойиҳалар қўшни давлатларда ҳам оммалаштирилиши кераклигига эътибор қаратади.

2025 йилнинг 13 октябрь куни Ўзбекистонда ШҲТ Халқ дипломатияси маркази ва Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда пойтахтимизда “Халқ дипломатияси амалда: ёш авлод учун имкониятлар ва истиқболлар” мавзусида халқаро ёшлар конференцияси ташкил этилди.

Унда юртимиздаги ёшлар ташкилотлари вакиллари, ёш тадқиқотчи олимлар, депутатлар, маданият ва санъат соҳаси вакиллари, Германия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистонлик ёшлар сиёсати фаоллари иштирок этди[15].

Жамғарма ўзаро манфаатли масалалар бўйича илмий-тадқиқот лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, илмий ишларни нашр этиш, илмий адабиётлар ва илмий-тадқиқот материалларини ўзаро алмашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келади.

Хулоса ва таклифлар. Таҳлил натижалари Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги халқ дипломатияси соҳасидаги ҳамкорликда “Конрад Аденауэр” жамғармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси муҳим институционал ҳамкор сифатида шаклланганини кўрсатди. Ўтказилган тадбирлар цивилизацияларо мулоқот, диний бағрикенглик, ёшлар

дипломатияси ва фуқаролик жамияти институтларининг халқаро мулоқотдаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилган.

Ҳамкорлик амалиётида “давлат–ННТ–халқаро фонд” модели ҳамда кўп йўналишли дипломатия элементлари самарали қўлланилган. Ушбу механизм расмий дипломатияни алмаштирмасдан, уни жамоатчилик, экспертлар, ёшлар ва илмий доиралар иштирокида тўлдириш имконини берган.

Шу билан бирга, кейинги босқичда тадбирлар самарадорлигини аниқ KPI ва сифат индикаторлари асосида баҳолаш, натижаларни илмий мақолалар, концепциялар ва йўл хариталари шаклида институционаллаштириш, ОАВ ва рақамли платформалардаги таъсирни мунтазам ўлчаб бориш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, “Халқ дипломатияси мактаби: Тошкент мулоқоти” каби амалий платформаларни кенгайтириш, Ўзбекистон ва Германиянинг ёш тадқиқотчилари, ННТлари ҳамда экспертлари иштирокида қўшма илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш, муваффақиятли тажрибаларни Марказий Осиё минтақаси миқёсида оммалаштириш таклиф этилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Конрад Аденауэр жамғармасининг Шарқий ва Марказий Осиё ҳамда Тинч океани минтақаси бўйича бўлими референти Макс Дукштайн билан учрашув // https://www.scocenter.uz/post-detail/660
2. Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё минтақавий дастурининг раҳбари Андре Альгермиссен билан учрашув // https://scocenter.uz/post-detail/536
3. Цивилизацияларо мулоқот - халқ дипломатиясининг муҳим омили // https://scocenter.uz/post-detail/187
4. Конрад Аденауэр номидаги жамғарма раиси Ўзбекистондаги ННТлар ва Ёшлар парламенти вакиллари билан учрашди // https://yumh.uz/uzc/news_detail/523
5. “Динлар ва маданиятларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигида ҳамда тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашда таълим ва диний маърифатнинг ўрни” мавзусида халқаро конференция // https://scocenter.uz/post-detail/300Bag
6. Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё минтақавий дастурининг раҳбари Андре Альгермиссен билан учрашув // https://scocenter.uz/post-detail/536
7. Конрад Аденауэр жамғармасининг эксперти билан учрашув // https://www.scocenter.uz/post-detail/602
8. “Халқ дипломатияси ва диний бағрикенглик миллатлараро мулоқотнинг самарали воситаси: Янги Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида халқаро конференция // https://www.scocenter.uz/post-detail/637
9. Конрад Аденауэр жамғармасининг Шарқий ва Марказий Осиё ҳамда Тинч океани минтақаси бўйича бўлими референти Макс Дукштайн билан учрашув // https://www.scocenter.uz/post-detail/660
10. “Тинчлик – дунё динларининг муҳим тамойили” илмий-амалий конференцияси // https://www.scocenter.uz/post-detail/688
11. “Халқ дипломатияси амалда: ёш авлод учун имкониятлар ва истиқболлар” мавзусида халқаро ёшлар конференцияси // https://scocenter.uz/post-detail/823
12. “Халқ дипломатияси келажаги: миллий ва халқаро тажрибада устоз-шогирд анъаналари” мавзусида очиқ мулоқот ташкил этилди // https://scocenter.uz/post-detail/851
13. Конрад Аденауэр жамғармасининг эксперти билан учрашув // https://www.scocenter.uz/post-detail/602
14. https://imtdsite.wordpress.com/about/what-is-multi-track-diplomacy/ Multi-track diplomacy – бу халқаро муаммоларни ҳал этиш ва тинчликни таъминлаш жараёнида давлат дипломатияси (1-трек) билан бир қаторда нодавлат акторлар (фуқаролик жамияти, ННТлар, бизнес, ОАВ, академик доиралар, диний ва маданий тузилмалар)нинг ўзаро боғлиқ ва

мувофиқлашган фаолиятига таянадиган кўп қиррали дипломатик ёндашувдир. Қисқача айтганда, multi-track diplomacy дипломатияни фақат давлатлараро мулоқот эмас, балки жамиятнинг турли қатламлари орқали амалга ошириш концепциясидир.

15. Халқаро ёшлар конференцияси ўтказилди // https://uza.uz/uz/posts/halqaro-yoshlar-konferenciyasi-otkazildi-video_770623

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000